

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

ТУРСУНБОЕВ САРДОР МУРОДЖОН ЎГЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ
ТИЗИМИДА ТЕРГОВ ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ-
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Турсунбоев Сардор Муроджон ўғли

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятини ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш.....3

Турсунбоев Сардор Муроджон угли

Совершенствование организационно-правовой основы деятельности следственных структур в системе органов прокуратуры Республики Узбекистан.....21

Tursunboyev Sardor Murodjon ugli

Improving the organizational and legal basis for the activities of investigative structures in the system of prosecutorial bodies of the Republic of Uzbekistan.....38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 42

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

ТУРСУНБОЕВ САРДОР МУРОДЖОН ЎГЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ
ТИЗИМИДА ТЕРГОВ ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ-
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.PhD/Yu1164 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Хукуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сахифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNet” таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахимов Фахри Ҳайдарович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович
юридик фанлар доктори, профессор

Комилов Авазбек Бокижонович
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат юридик университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Хукуқни муҳофаза қилиш академияси хузуридаги DSc. 31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 10 декабрь соат 15-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9. Тел: (+99871) 202-04-96. e-mail: info@proacademy.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Хукуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (73-рақам билан рўйхатга олинган) (манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9. Тел: (+99871) 202-04-96).

Автореферат 2025 йил 27 ноябрда тарқатилди.
(2025 йил 27 ноябрдаги 37-рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминжонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

В.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда прокуратура органлари тергов тузилмалари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласи XXI асрнинг энг долзарб аҳамиятга молик илмий-амалий муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу жиноятчиликнинг глобал характер касб этиши, хуқуқий тизимларнинг интеграциялашуви ва замонавий технологияларнинг тергов фаолиятига кириб келиши билан белгиланади. Интерпол маълумотларига кўра, халқаро жиноятчилик йилига 870 млрд. доллардан ортиқ фойда кўрмокда, бу глобал ЯИМнинг тахминан 1,5 фоизини ташкил қилади. Бу эса жиноятларни самарали тергов қилиш учун турли давлатлардаги тергов органларининг ўзаро узвий ҳамкорлиги, уларнинг фаолият принциплари ва усулларининг мувофиқлигини талаб этади. Халқаро молиявий операциялар, оффшор зоналардан фойдаланиш, криптовалюталар орқали пул ювиш каби замонавий иқтисодий жиноятлар анъанавий тергов усулларининг самарасизлигини кўрсатмоқда. Молиявий ҳаракат бўйича вазифалар групхи (FATF) ҳисботларига кўра, жаҳон миқёсида йилига 2-5 трлн. доллар миқдорида пул ювилмоқда, бу эса глобал ялпи ички маҳсулотнинг 2-5 фоизини ташкил этади¹.

Жаҳонда рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши тергов фаолиятида янгича усул ва воситаларни қўллаш заруратини юзага келтирмоқда. Прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятини ташкилий-хуқуқий такомиллаштириш жиноятчиликнинг глобаллашуви, технологик тараққиёт, инсон хуқуqlари стандартларининг ривожланиши ва халқаро ҳамкорлик зарурати каби объектив омиллар билан белгиланади. Бу соҳадаги илмий тадқиқотлар нафақат миллий, балки халқаро аҳамият касб этади ва барча давлатлар учун катта амалий аҳамиятга эга. Шунингдек, прокуратура органлари тергов тузилмалари трансмиллий жиноятчиликка қарши курашда умумий стратегия ва мувофиқлаштирилган сиёсатни олиб боришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Айниқса, буни наркобизнес, ноқонуний қурол савдоси, кредит-молия муассасалари ёрдамида жиноий йўл билан топилган даромадларни ювиш каби трансмиллий жиноятларга қарши курашда кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда прокуратура органлари тергов тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараён давлатнинг умумий хуқуқий ислоҳотлари дастурининг ажралмас қисми сифатида кечмоқда ва бир неча асосий йўналишларни қамраб олади. Шу билан бирга, норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилди. Айниқса, 2016 йилдан бошлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу соҳада қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон

¹ <https://www.interpol.int/News-and-Events/News/2024/INTERPOL-financial-crime-operation-makes-record>.

Фармони² прокуратура органлари тизимида институционал ислоҳотларига асос бўлди ҳамда “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тўғрисида”ги Қонунга қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Натижада, прокуратура органларининг тергов тузилмалари такомиллаштирилди, махсус тергов гурухлари ташкил этилди, иқтисодий жиноятлар, коррупция, уюшган жиноятчилик бўйича ихтисослашган тергов тузилмалари фаолияти кучайтирилди. Бироқ, амалга оширилган ишларга қарамай, бир қатор муаммолар ҳали ҳам ўз ечимини топмай қолмоқда. Тергов сифатини янада ошириш, замонавий жиноятчилик турларини ўрганиш, халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқлаштириш каби масалалар ҳамон долзарблигича қолмоқда. Шу сабабли мазкур соҳада кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб бориш, тергов самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиши бугунги давр тақозоси бўлиб қолмоқда.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (2001) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018) қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2016), “Жиноий-хуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022), “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги (2022), “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги (2023) фармонлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда белгилланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қиласи.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришида инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари тадқиқот обьекти сифатида илк маротаба ўрганилди. Мазкур мавзунинг айrim жиҳатлари Ф.Х.Рахимов, М.А.Аминжонова, М.М.Бобоев, З.С.Ибрагимов,

² Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда.

Е.В.Коленко, М.М.Мамасиддиқов, А.А.Махмудов, Д.М.Миразов, Б.Х.Пўлатов, М.З.Раджабова, О.С.Султонов, Г.З.Тўлаганова, У.Х.Абдуолимов каби миллий ҳукуқшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган.

МДҲга аъзо давлатларда прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятини ташкилий-ҳукуқий асосларини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари А.И.Алексеев, В.П.Ануфриев, Н.В.Бабич, В.И.Басков, О.В.Боботов, Ю.В.Капитанова, И.Г.Корзун, А.В.Кудашкин, В.Ломовский, Р.А.Руденко ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилганлиги диссертация мавзуси доирасидаги муаммоларга илмий қизиқиш катта эканлигидан далолат беради.

Хорижий олимлар William Schabas (Буюк Британия), Не Jiahong (Хитой), Brandon Garrett (АҚШ) ва бошқалар томонидан мазкур мавзуга доир баъзи масалалар ўрганилган³.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятини ташкилий-ҳукуқий асосларини такомиллаштириш масалалари мавзуси шу вақтгача маҳсус тадқиқ этилмаган, алоҳида изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳукуқни муҳофаза қилиш академиясининг тадқиқот ишлари режасига киритилган ва “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятини ташкилий-ҳукуқий асосларини такомиллаштириш” илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган (2023-2025).

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятининг ташкилий-ҳукуқий асосларини такомиллаштиришга оид илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

прокуратура органлари тергов тузилмалари фаолиятини ретроспектив таҳлил асосида ўрганиш;

прокуратура органлари тизимида тергов тузилмаларига бўлган заруратнинг ижтимоий-ҳукуқий шартланганлигини амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш;

прокуратура органлари тергов тузилмалари фаолиятининг ҳукуқий тартибга солишининг замонавий ҳолатини ўрганиш;

прокуратура органлари тергов тузилмалари фаолиятининг процессуал тартибга солиш масалаларини ёритиши;

прокуратура органлари тизимида тергов тузилмаларининг бошқа тергов органлари билан ҳамкорлик масалаларини таҳлил этиши;

³ Мазкур ва бошқа олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

хорижий давлатлар тергов тузилмалари фаолиятига доир илғор тажрибани қиёсий-хуқуқий тадқиқ этиб, уларнинг ижобий тажрибасини миллий қонунчиликка татбиқ этиш бўйича таклифларни илгари суриш;

прокуратура органлари тизимида тергов тузилмаларининг фаолият самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар бериш;

Ўзбекистонда дастлабки тергов органлари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболларини тадқиқ этиш;

Тадқиқотнинг обьекти Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-хуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети прокуратура органлари тергов тузилмаларининг ташкилий-хуқуқий жиҳатлари, уни тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатлар, хуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юриспруденция фанида мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва хуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тизимли, қиёсий-хуқуқий таҳлил, мантиқийлик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, қонун хужжатларини шарҳлаш, социологик сўров, хуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментида ташкил этилган тергов органи терговчиларининг амалий кўнималарини ошириш мақсадида прокуратура терговчиларининг иш юритувидаги кенг ҳажмли ҳамда мураккаб таркибли жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни бирга амалга ошириш, уларни тергов гурухларига жалб қилиш ва шу орқали уларнинг доимий билим ва қўнималари ҳамда амалий тажрибасини оширишга эришиш лозимлиги асослаб берилган;

кўп йиллар давомида амалиётта жорий қилинган ва ўз самарасини бериб келаётган устоз-шогирд анъанасини давом эттирган ҳолда, Департамент терговчиларига прокуратура терговчиларидан мураббий бириктириш, уларга Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти терговчилари иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича олиб борилаётган тергов ҳаракатлари қонунийлиги, қарорларнинг тўғрилиги ҳамда қонуний тартибда расмийлаштирилишига кўмаклашиш, шунингдек мунтазам хуқуқий ёрдам кўрсатиш ва текшириш вазифаларини бериш зарурлиги илмий исботланган;

Департаментнинг тергов ва суриштирув фаолияти устидан самарали идоравий назорат ўрнатиш ҳамда уни қонун хужжатларида тартибга солиш лозимлиги асослаб берилган;

Департамент терговчилари томонидан олиб борилаётган суриштирув ва терговни доимий равишда таҳлил қилиб бориш давомида аниқланган муаммоларни бартараф қилиш ва уларни олдини олиш чораларини кўриш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 346-моддаси 2-қисмини: “Агар жиноят содир этилган ҳудудни аниқлашнинг имкони бўлмаса, тергов жиноят аломатлари ёхуд унинг оқибатлари аниқланган ҳудудда олиб борилиши лозим” деган мазмундаги норма билан тўлдириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

жиноят процессида терговчига бир нечта кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказишда, айниқса, сўроқ қилиш тергов ҳаракатида сўроқни қоғоз кўринишда эмас, балки видеокамерага тасвирга олган ҳолда ўтказиш ва жиноят ишига қўшиб, далилий ашё сифатида тан олиниши лозимлиги асослаб берилган;

прокуратура органлари тергов тузилмалари фаолият самарадорлигини баҳолаш ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш, бу борада самарадорликни баҳолаш механизми (КРІ)ни йўлга қўйиш лозимлиги асослантирилган;

прокуратура органлари терговчилари фаолиятини тартибга солувчи, уларнинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, лавозимга тайинлаш ва озод этиш тартибини белгиловчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқишга бўлган зарурат асослаб берилган;

прокуратура органлари тергов тузилмалари терговчилари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш тизимини жорий этиш, шунингдек устоз-шогирд анъаналарини самарали йўлга қўйиш, бунда шогирднинг фаолият натижалари бўйича устозни рағбатлантириш ёки жазолаш чоралари қўллаш масаласини кўриб чиқиш тартибини жорий этиш асослаб берилган;

прокуратура органлари тергов тузилмалари фаолият самарадорлигини янада ошириш, терговчи лавозимига муносаб кадрларни тайинлаш мақсадида “терговчи-ёрдамчиси” лавозимини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларга асосланган, статистик маълумотлар таҳлили натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Бундан ташқари, хулосалар прокуратура органларининг 2020-2025 йиллардаги фаолиятига доир статистик маълумотлар билан асослантирилган, иш юритиш ва ҳужжатлар ижроси натижалари умумлаштирилиб, белгиланган тартибда расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли орган томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот доирасида 174 нафар прокурор-тергов ходимлари иштирокида социологик сўров ўтказилган. Сўров орқали тадқиқот иши давомида айrim баҳс-мунозарали масалаларда муайян хулосага келиш, шунингдек илмий изланишлар якуни бўйича чиқарилган фоялар юзасидан масъул ходимларнинг муносабати ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот мобайнида ишлаб чиқилган илмий-назарий хуросалар, таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон–2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–37-сон Фармони ва 13.03.2025 йилдаги Бош прокурорининг 15/2-15-25-7/43-сонли Кўрсатмасининг тегишли бандларини яратища фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий хуроса, таклиф ва тавсиялардан прокуратура органлари тергов фаолияти самарадорлигини такомиллаштириш юзасидан илмий изланишлар олиб бориш, қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, “Прокурор назорати”, “Хукуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти” каби модулларини илмий-назарий жиҳатдан бойитиша фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қўйидагича фойдаланилган:

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментида ташкил этилган тергов органи терговчиларининг амалий қўнималарини ошириш мақсадида прокуратура терговчиларининг иш юритувидаги кенг ҳажмли ҳамда мураккаб таркибли жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни бирга амалга ошириш, уларни тергов гуруҳларига жалб қилиш ва шу орқали уларнинг доимий билим ва қўнималари ҳамда амалий тажрибасини оширишга эришиш лозимлиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2025 йил 13 мартағи 15/2-15-25-7/43-сонли Кўрсатмасининг тегишли бандларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 16 июндаги 15/02-2025-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг тергов тузилмалари терговчиларининг билим ва қўнималарини ҳамда амалий иш тажрибасини оширишга хизмат қилган;

кўп йиллар давомида амалиётга жорий қилинган ва ўз самарасини бериб келаётган устоз-шогирд анъанасини давом эттирган ҳолда, Департамент терговчиларига прокуратура терговчиларидан мураббий бириктириш, уларга Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти терговчилари иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича олиб борилаётган тергов ҳаракатлари қонунийлиги, қарорларнинг тўғрилиги ҳамда қонуний тартибда расмийлаштирилишига кўмаклашиш, шунингдек мунтазам хукуқий ёрдам кўрсатиш ва текшириш вазифаларини бериш зарурлиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2025 йил 13 мартағи 15/2-15-25-7/43-сонли Кўрсатмасининг тегишли бандларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 16 июндаги 15/02-2025-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти терговчилари томонидан тергов ҳаракатларини қонуний ўтказиш ва қонунга асосланган процессуал қарорлар қабул қилинишига кўмаклашади;

Департаментнинг тергов ва суриштирув фаолияти устидан самарали идоравий назорат ўрнатиш ҳамда уни қонун ҳужжатларида тартибга солиши лозимлиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2025 йил 13 мартағи 15/2-15-25-7/43-сонли Кўрсатмасининг тегишли бандларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 16 июндаги 15/02-2025-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг фаолияти фаолияти устидан самарали идоравий назорат ўрнатишни такомиллаштиришга хизмат қилган;

Департамент терговчилари томонидан олиб борилаётган суриштирув ва терговни доимий равишида таҳлил қилиб бориш давомида аниқланган муаммоларни бартараф қилиш ва уларни олдини олиш чораларини кўриш зарурлиги тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2025 йил 13 мартағи 15/2-15-25-7/43-сонли Кўрсатмасининг тегишли бандларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 16 июндаги 15/02-2025-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти терговчилари томонидан олиб борилаётган тергов давомида аниқланган муаммоларни олдини олиш чоралари кўришни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан 4 та халқаро ва 1 та республика миқёсида ўtkазилган илмий-амалий конференция, давра сұхбатлари ва семинарларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган журналларда 13 та илмий мақола, шундан 11 та миллий ва 2 та халқаро журналларда, конференцияларда 5 та, шундан 1 та миллий, 4 та хорижий мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, саккизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 137 бетни ташкил қиласди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмida тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, унинг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида тергов тузилмаларининг тарихий-тадрижий ривожланиши” деб номланган биринчи бобида прокуратура органлари тергов тузилмалари шаклланишининг ретроспектив таҳлили, прокуратура органлари тизимида тергов тузилмаларига бўлган заруратнинг ижтимоий-хуқуқий шартланганлиги таҳлил қилинган.

Жумладан, ушбу бобнинг “Прокуратура органлари тергов тузилмалари шаклланишининг ретроспектив таҳлили” деб номланган 1.1. параграфида “терговчи” мақоми ва уни пайдо бўлиши, терговчи лавозими илк пайдо бўлган вақтда жиноят ишлари юзасидан судга қадар иш юритувни амалга оширувчи шахс эканлиги тўғрисидаги илк маълумотлар XVIII аср охирларида Франция қонунчилигига акс этганлиги ва ушбу қонунчиликка қўра, умумий судлар хузурида “суд терговчиси” лавозими ҳам жорий этилганлиги, терговчи лавозими пайдо илк даврлардаёқ уни ваколатига терговга қадар текширувни амалга ошириш, жиноят аниқланган ҳолларда жиноят ишини қўзғатиш ва ишни олиб бориш, айбдорларни аниқлаш ва ишни судга юбориш каби ваколатлар берилган эканлиги қиёсий-таҳлил асосида ўрганилди. Бундан ташқари, мазкур параграфда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида тергов тузилмалари фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ бир қанча масалалар батафсил ёритиб берилган. Хусусан, дастлабки тергов органларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи, “терговчи” статуси пайдо бўлиши ва унинг ривожланиши батафсил ёритилган. Бунда ўз навбатида 1950 йилдан кейинги даврдаги прокуратура органлари тергов тузилмалари фаолияти акс эттирилган. Прокуратура органларининг тергов тузилмаларини ривожлантириш истиқболлари қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, терговчиларнинг процессуал мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, идоралараро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ва фаолият шаффофлигини таъминлаш билан боғлиқлиги асослантирилган.

Шунингдек, диссертациянинг 1.2. параграфида “Прокуратура органлари тизимида тергов тузилмаларига бўлган заруратнинг ижтимоий-хуқуқий шартланганлиги” таҳлил қилинган бўлиб, унда прокуратура органлари тергов тузилмаларининг иш натижалари, хусусан, жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят ишларини ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилиш, дастлабки терговнинг сифатини яхшилаш, жиноят содир этган ҳар бир шахсни қонуний жавобгарликка тортиш, жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, дастлабки тергов даврида қонунчиликка қатъий риоя қилиш каби масалалар таҳлил қилинган. Шунингдек, прокуратура органлари тергов тузилмаларининг иш натижалари, хусусан, жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят ишларини ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилиш, дастлабки терговнинг сифатини яхшилаш, жиноят содир этган ҳар бир шахсни қонуний жавобгарликка тортиш, жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, дастлабки тергов даврида қонунчиликка қатъий риоя қилиш масалалари, шунингдек, прокуратура органлари тергов тузилмалари иш фаолияти самарадорлигини ошириш ва тергов тузилмалари олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажарилишига хизмат қиласидаги омиллар таҳлил этилган. Бундан ташқари,

прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятини ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг ижтимоий-хуқуқий шартланганлиги билан боғлиқ масала қўриб чиқилиб, бунда прокуратура органлари тергов тузилмалари фаолияти истиқболларини ва қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, терговчиларнинг процессуал мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, идоралараро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ва фаолият шаффоғлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Диссертациянинг “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятини хуқуқий тартибга солиш ва ҳамкорлик масалалари” деб номланган иккинчи бобида прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолияти хуқуқий тартибга солинишининг замонавий ҳолати ва процессуал тартибга солиниши таҳлил қилинган.

Хусусан, “Прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятини хуқуқий тартибга солинишининг замонавий ҳолати” деб номланган 2.1. параграфда, прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятининг хуқуқий тартибга солиниши масаласи Ўзбекистон Республикасида суд-хуқуқ ислоҳотларининг муҳим йўналишларидан бири сифатида соҳада қатор ижобий ўзгаришларга сабаб бўлган қонунчилик ҳужжатлари таҳлил қилиниши билан бирга соҳанинг хуқуқий тартибга солинишида ҳал этилмаган масалалар ёритиб берилган. Шунингдек, олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, прокурор назоратининг жиноят ҳақидаги аризалар ва хабарларни текшириш босқичидаги хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида бир қатор муаммолар мавжудлиги аниқланиб, бунда, терговга қадар текширув органлари томонидан жиноят ҳақидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш муддатларига риоя этилмаслик ҳолатлари, далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш жараёнида процессуал қонунчилик талабларининг бузилиши, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорларнинг асоссиз қабул қилиниши каби ҳолатлар аниқланган. Бундан ташқари, прокуратура органларининг тергов фаолиятини ўрганиш ва таҳлил натижаларига кўра, қонунчиликда қуйидаги ечилиши лозим бўлган масалалар мавжуд эканлиги аниқланди. Яъни, тадқиқот давомида туман (шаҳар) прокурор ёрдамчилари томонидан жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётганлиги, лекин Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонучилигига кўра эса “Дастлабки терговни олиб боришга ваколатли мансабдор шахслар” деб номланган 344-моддаси 1-қисмида дастлабки терговни прокуратура, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боришлиги белгиланганлиги, ушбу модданинг 2-қисмида дастлабки терговни прокурорлар ҳам олиб боришлари мумкинлиги қайд этилган бўлиб, дастлабки терговни фақатгина юқорида санаб ўтилган тўртта органда хизмат олиб бораётган терговчилар ҳамда прокурорлар олиб боришлари мумкинлиги қатъий белгилаб қўйилганлиги, шу

билан бирга “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 56-моддаси 5-қисмида “прокурор” қайси лавозимдаги шахс эканлигига тушунтириш бериб ўтилган бўлиб, унга кўра “прокурор” деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, қуи турувчи барча прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, катта прокурорлари ва прокурорларини тушуниш кераклиги кўрсатиб ўтилганлиги, демак, прокурор деганда прокурор туман (шаҳар) ёрдамчилари назарда тутилмаганлигидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) прокурори ёрдамчиси томонидан дастлабки тергов олиб борилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги хulosaga келинган. Шу сабабли, туман (шаҳар) прокурори ёрдамчиси томонидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб бориш ваколатини қонуний асосларини яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 56-моддаси 5-қисмини “туман (шаҳар) прокурори ёрдамчилари” деган жумла билан тўлдириш лозимлиги асослантирилган.

Диссертациянинг 2.2. параграфида “*Прокуратура органлари тергов тузилмалари фаолиятининг процессуал тартибга солиниши*” таҳлил қилиниб, илмий-амалий ўрганиш таҳлилларидан натижасида Жиноят-процессуал кодексининг 346-моддаси иккинчи қисмини ўзгартириш ва қўшимчалар билан тўлдириш лозимлиги асослантирилган ва қуидагича таклиф берилган: “Агар жиноят содир этилган худудни аниқлашнинг имкони бўлмаса, тергов жиноят аломатлари ёхуд унинг оқибатлари аниқланган худудда олиб борилиши лозим”. Шу билан бирга, мазкур боб бўйича қуидагича хulosaga келинган яъни: прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятининг хуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги Конун, Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар билан белгиланганлиги, ЖПКда прокуратура органлари терговчилари томонидан тергов қилинадиган жиноялар қаътий белгилаб қўйилганлиги, жиноят ишининг терговга тегишлилиги алгоритмини ишлаб чиқиша унинг предметига ва худудга кўра белгиларини асос қилиб олиш зарурлиги ҳақида хulosaga қилинган бўлиб, шу билан бирга прокурор томонидан прокуратура терговчиларининг иш фаолияти текширилганда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг 2.3. параграфида “*Прокуратура органларининг бошқа тергов органлари билан ҳамкорлик масалалари*” кўриб чиқилган. Хусусан, прокуратура органлари тергов тузилмаларини Ички ишлар органлари, Давлат хавфсизлик хизмати тергов органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг хуқуқий жиҳатлари ҳамда ташкилий томонлари таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу органларнинг тергов тузилмалари билан ҳамкорликдаги айrim муаммолар ёритиб берилган. Ушбу параграф доирасида олиб борилган илмий-амалий тадқиқотлар натижасидан келиб чиқсан ҳолда, ушбу ҳамкорликнинг самарадорлиги юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар бўйича тавсиялар берилган. Бундан ташқари, прокуратура органлари тергов тузилмаларини фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат

ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишнинг самарадорлиги борасидаги фикрлар илгари сурилган.

Тадқиқот ишининг учинчи боби – “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш” деб номланиб, унда хорижий давлатлар тажрибаси ва хуқуқни қўллаш амалиёти, прокуратура органлари тергов тузилмалари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган масалалар, шунингдек, дастлабки тергов органларининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари ва истиқболлари кўриб чиқилган.

Диссертация ишининг 3.1 параграфи “Хорижий давлатларда тергов органлари фаолиятига доир илгор тажсриба таҳлили” деб номланиб, хорижий мамлакатларда прокуратура тизимидағи тергов органлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, Франция, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Хитой, Россия ва Қозоғистон давлатлари мисолида таҳлил қилинган. Хорижий давлатларнинг прокуратура органлари тизимидағи тергов тузилмалари фаолиятини таҳлили натижасида мазкур соҳани хуқуқий тартибга солишнинг турли моделлари мавжуд эканлиги ҳақидаги хulosага келинган. Бу моделлар биринчиси, прокурор раҳбарлигидаги тергов модели Германия ва Япония давлатларида, иккинчиси, прокурор назоратидаги тергов модели Россия ва Қозоғистон давлатларида, учинчиси, тергов судъяси иштирокидаги модель Франция давлати, тўртинчиси, полиция терговига асосланган модель АҚШ, Буюк Британия давлатлари мисолида ёритилган. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир моделнинг ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Масалан, прокурор раҳбарлигидаги тергов модели тергов жараёнини самарали мувофиқлаштириш имконини беради, аммо прокурор қўлида ҳаддан ташқари кўп ваколатлар тўпланишига олиб келиши мумкин. Полиция терговига асосланган модел эса прокурор ва тергов органлари ўртасида “тийиб туриш ва мувозанатлаш” тизимини яратади, аммо баъзан тергов сифатининг пасайишига олиб келиши мумкинлиги ҳақида фикр юритган. Тадқиқот натижаларига кўра, турли мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида энг мақбул тергов модели – прокурор назоратидаги, лекин мустақил тергов органлари томонидан амалга ошириладиган тергов модели эканлиги, бу модель тергов органлари фаолиятининг мустақиллигини таъминлаш билан бирга, прокурор назорати орқали қонунийликни ва инсон хуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қиласи деган хulosага келинган.

Тадқиқот ишининг “Прокуратура органлари тизимида тергов тузилмаларининг фаолият самарадорлигини ошириши масалалари” деб номланган 3.2. параграфида илмий-амалий тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб берилган таклифлар Янги Ўзбекистон моделининг марказидан ўрин олган инсон хуқуқлари ва қонун устуворлиги мақсадидан келиб чиқиб асослантирилган. Хусусан, амалга оширилаётган ислоҳотларга қарамасдан, прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятида ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар мавжудлиги, жумладан тергов тузилмалари фаолиятини тартибга солувчи, терговчиларнинг хуқуқий мақоми, хукуқ ва

мажбуриятлари, уларни лавозимида тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартибини белгиловчи ягона норматив-хуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилмаганлиги бундан ташқари, прокуратура органлари тергов тузилмаларининг ички тузилиши ва ташкилий тузилмаси баъзи ҳолларда самарасиз бўлиб, айрим функцияларнинг такрорланишига ва вазифаларнинг аниқ тақсимланмаслигига олиб келаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, мазкур параграфда жиноят-процессуал кодексига тергов тузилмалари фаолиятини самарадорлигига қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги, прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятига оид идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартлар ва илфор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш лозимлиги, прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши ва (КРІ) жорий этиш зарурлиги, тергов тузилмалари ходимларининг хуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, прокурор ва суддан санкция олиш белгиланган шахсни ҳуқуқ ва эркинларини чеклаш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатлар билан боғлиқ ҳужжатларни электрон айланмасини йўлга қўйиш, суд экспертизаси тайинлашни онлайн режимга ўтказиш, суриштирув ва дастлабки тергов фаолияти сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида, йўл қўйилган камчиликлар ва қонунбузилиши ҳолатларини мунтазам равища таҳлил қилиб боришини ва тавсиялар беришни амалга ошириш имконини берувчи сунъий интеллектни жорий этиш, тергов жараёнида инсон ҳуқуқлари бузилишини олдини олиш, унга риоя қилинишини таъминлаш мақсадида ва бунга имкониятни яратиб бериш учун тергов хоналарини замонавий тарзда ва хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда жиҳозлаш, соҳани юкори малакали кадрлар захирасини шакллантириш ва сақлаб қолиш мақсадида, суриштирувчи ва терговчиларни тергов соҳасида узлуксиз 3 йил хизмат ўташлари лозимлиги ва бу муддат мобайнида уларни бошқа соҳа йўналишларига ўтказишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилиши каби масалалар чукур таҳлил қилинган ҳамда қонунчиликка асослантирилган таклифлар берилган. Мазкур таклифлардан қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланилган ва амалиётга жорий этилган.

